



TOSHKENT DAVLAT
TRANSPORT UNIVERSITETI
Tashkent state
transport university

CHET TILLARNI O'QITISHNING INNOVATSION USULLARI, TARJIMASHUNOSLIK VA FILOLOGIK TADQIQOTLARDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR

XALQARO ILMIY-AMALIY
ANJUMAN TO'PLAMI

Toshkent, 2024

O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi
Toshkent davlat transport universiteti

**CHET TILLARNI O‘QITISHNING INNOVATSION USULLARI,
TARJIMASHUNOSLIK VA FILOLOGIK TADQIQOTLARDA
ZAMONAVIY YONDASHUVLAR**

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy anjuman maqolalari to‘plami

(2024 yil 17-18 may)

Toshkent, O‘zbekiston

ФОЛЬКЛОР АСАРЛАР ТАРЖИМАСИДА АДЕКВАТЛИК ВА ЭКВИВАЛЕНТЛИК ТУШУНЧАЛАРИ

Ш.К.Асқарова

Тошкент давлат транспорт университети (Тошкент, Ўзбекистон)

Халқ оғзаки ижоди намуналарини хорижий тилларга ўгириш бугунги таржимашуносликнинг долзарб масалаларидандир. Ф. ф. д., проф. Ғ.Саломов таржимага қуйидагича таъриф беради: “Таржима тилга янги ғоялар, фикрлар, тушунчаларни олиб келади. Жамиятда янги ижтимоий муносабатлар, қарашларнинг қарор топишида хизмат қилади. Адабиётга янги образлар, бадиий-тасвирий воситаларни армуғон этади. Таржима ҳар қандай алоқалар заминини ташкил этади”¹³. Замонавий конверсия назариясида “эквивалентлик” термини нисбатан яқинда қўлланила бошланди, деб ишонилади. Бинобарин, П.М. Топпер “эквивалент” термини таржима назариясига қачон ва қаерда кирганлиги ҳақидаги фикрлар хилма-хиллигини қайд этиб, бу термин биринчи марта замонавий таржимашуносликда машина таржимасига нисбатан қўлланила бошлаганлигини аниқлади ва инсон таржимасига “Таржиманинг лингвистик жиҳатлари ҳақида” (1959) мақоласида Р. Якобсон томонидан қабул қилиниши таклиф қилинган¹⁴, дея таъкидлаган.

Коммуникатив муносабат тиллараро мулоқот жараёнида иштирок этадиган барча омилларни ҳисобга олади. У таржима қилинаётган матн таркибида мужассамлашган маълумотлардан ташқари яна ахборот берувчининг матн ташқарисида акс этган мулоқот мақсадини ҳамда таржимоннинг баён этилган фикрни тўғри қабул қилиши учун зарурий маълумот, билим ва кўникмага эга бўлишини ҳам назарда тутадиги, мазкур омиллар таржима тилида тенг қийматли коммуникатив таъсирчанлик яратиш имконини беради. Таржима жараёнига бундай муносабат таржима назариясини лингвистик тадқиқотнинг алоҳида мустақил соҳаси сифатида ажратиш жоизлигини белгилайди. Р.Якобсон “кенг тарқалган тиллараро коммуникация амалиёти, хусусан таржима фаолияти тилшунослик фанининг доимий кузатувида бўлиши лозим”¹⁵ деб таъкидлаган эди. Эквивалентликка семиотик ёндашувга асосланиб, Р.Якобсон 1959 йилда эълон қилган “On Linguistic Aspects of Translation (Таржиманинг лингвистик жиҳатлари ҳақида)” мақоласида баҳс юритади. туфайли келиб чиқадиган турли тилларга оид сўзлар ўртасидаги маъноларнинг эквивалентлиги муаммоси ҳар бир тил доирасида бир-биридан у ёки бу даражада фарқ қилади. Якобсон бу эквивалентликни “фарқ мавжудлигидаги эквивалентлик” деб атайди¹⁶.

Филолог ва таржимонлар томонидан узоқ вақтдан бери ўрганиб келинаётган таржиманинг аниқлиги муаммоси ҳозирги вақтда бошқа терминларда тақдим этилмоқда, уларнинг марказий қисми “эквивалентлик” атамаси ҳисобланади. Бу борада эквивалентлик билан боғлиқ масалалар азалдан олимлар, тадқиқотчилар ва таржимашунослар эътиборини жалб қилиб келмоқда. Матн қайси жанрга тегишли бўлишидан қатъий назар, у таржимон томонидан ўгирилиш жараёнида кўпинча мутаносиб равишда лексик бирликларни саралашни тақозо этади. Чунки В.Н. Комиссаров таъкидлаганидек, “Замонавий таржимашуносликнинг марказий тушунчаларидан бири бўлган эквивалентлик таржиманинг энг муҳим хусусиятини

¹³ Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадиий таржима. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 14.

¹⁴ Топер П.М. Перевод в системе сравнительного литературоведения. М., 2000 С. 176.

¹⁵ Jakobson R. On linguistic aspects of translation. In.: R. Brower (ed). On translation. New York. Oxford University Press, 1966. p. 234. 16 B.

¹⁶ Шу асар. Б. 114.

очиб беради”¹⁷. Шундай экан, таржимашунослар томонидан қўлланиб келинаётган термин “эквивалентлик” анча мураккаб ва қўп қиррали тушунча сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, унинг семиотик даражадаги эквивалентлик ҳақидаги хулосаси “код бирликлари ўртасида тўлиқ эквивалентлик йўқдир”. “Код бирликлари” деганда ҳар қандай таржима қилиниши мумкин бўлган бирликлар сифатида тушунилиши мумкин, улар сўз, ибора, жумла ёки бутун матн бўлсин.

Шундай қилиб, янги – таржиманинг тилшунослик фани таркибида тадқиқ қилиниши лозимлиги ҳақидаги нуқтаи назар вужудга келадиги, таржима амалиётини тадқиқ қилиш шу йўл билан олиб борилгандагина тилшуносликнинг айна тармоғи кўпроқ тараққий этади, такомиллашади. Лингвистик таржима назариясининг вазифаси таржима жараёни тизими таркибини аниқлаш ва шу асосда таржима амалиёти учун зарур булган умумий қонуниятларни муайян қилишдан иборатдир. «Лингвистик таржима назарияси бир тил матнининг иккинчи тил матнига айланиши қонуниятларини муайян қилади, урганади ва моделлаштиради»¹⁸. Аниқроғи, тадқиқотчи таҳлил пайтида нутқий жараённинг бирламчи тилда ташкил этилишини ва таржима тилида унга коммуникатив жиҳатдан тенг қийматли нутқий жараённинг яратилишини кузатиб боради. Бирламчи ва таржимон томонидан яратилган матнларнинг коммуникатив мувофиқлигигина асл нусхада акс этган ахборотнинг адекват қайта яратилганлигидан далолат беради.

Бадиий адабиётдаги синтактик эквивалентлик матн тадқиқотининг муҳим жиҳатларидан биридир. Бу тушунча бадиий асарларда қўлланиладиган жумла ва ибораларнинг семантик ва структуравий томонларини билдиради. Визуал ва прагматик элемент сифатида синтаксис асарнинг якуний таассуротига ва эстетик идрокига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Синтактик эквивалентлик

Синтактик эквивалентлик таҳлилининг асосий жиҳатларидан бири гапнинг ҳар хил турларини, уларнинг тузилиши ва функционал маъносини асар доирасида ўрганишдир. Масалан:

На сабабдан, болам, кўнглинг бўласан,

Жаҳонни сайл этиб ўйнаб-қуласан,

Яхши, ёмон элни юриб кўрасан,

Ахир бир кун Бойсин элга келасан,

Мактаб жўранг билан ўйнаб-қуласан.

Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,

Лодон кўнглинг ҳар хаёлга бўлмагин,

Мунггайиб энангни ҳафа қилмагин. 25-бет

Дастлабки ажратиб кўрсатилган қаторда содда гап иштирок этган, аксинча, кейинги ажратилган қаторда эса қўшма гап келган. Таржимада шунга монанд ҳолат кузатилади. Яъни таржимон инглизчага ўгирилган матнни ўзбек тили каби тушунилиши учун гап тузилиши – синтактик эквивалентликдан устамонлик билан фойдаланган:

Why do you hesitate, my child?

You will travel the world joying life.

You will see good and bad,

At least you will return to Boysun land.

With your schoolmates you'll revel playing,

¹⁷ Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. С. 134.

¹⁸ Н. Комиссаров. Лингвистика перевода. М., ИМО, 1980. с. 3.

Live long, don't die for many years ahead.

Don't distract your poor soul to diverse things,

Don't offend your poor mother being helpless. 29-бет

Таржима жараёнидаги муҳим омиллар – матн уйғунлиги ва мантикий изчиллиги, гаплар орасидаги синтактик алоқалар, параллелизм ва антиципация каби стилистик усуллардан фойдаланиш. Бу каби усуллар асардаги воқеалар ривожини ёритишда, ҳаракатларнинг тартибда кетма-кет содир бўлишини тасвирлашда муҳим стилистик ва синтактик вазифаларни бажаради.

Бадиий адабиётда синтактик эквивалентлик ҳиссий кескинликни яратиш ёки характер-хусусиятларини таъкидлаш учун қўлланилиши кузатилади. Муаллифлар қаҳрамонлар фикрининг мураккаблигини билдириш учун узун ва бурилишли жумлаларни, шунингдек, воқеаларнинг интенсивлигини ёки ҳаракат тезлигини билдириш учун қисқа ва оддий жумлаларни ишлатадиган мисолларни топиш мумкин. Масалан:

*Элат билан болам, бирга борасан,
Тақдирингда нима борин кўрасан,
Ўлмасанг, бир куни қайтиб келасан,
Қўнғирот элда ўйнаб даврон сурасан.
Оҳ уриб тўқарсан кўздан ёшингни,
Келиб кўрарсан-да денги-душингни,
Қўнғирот элда қолган қариндошингни,
Бир кун келиб қиларсан ўтиришингни.
Учқур каби қанотингдан қайрилиб,
Юзрук эдинг, тўғингдан тайрилиб,
Ўн олти уруғ Қўнғирот элдан айрилиб,
Сен борарсан Қалмоқ элга йўл юриб,
Неча кун туз насиб Қалмоқда кўриб,
Ахир бир кун яна Бойсинга келиб,
Ўз элингда чалқиб давронни суриб.*

Таржимада:

*My child, you will go together with your folks,
You will see what is in your fate,
If you don't die you will return some day,
You are sure to enjoy life in Qunghirod land,
Saying woes, you shed tears from your eyes,
When you come, you'll see your friends, mates.
The relatives who were left in Qunghirod land,
Some day you will come back and start living,
Like a steed you will be deprived of your wings,
You were a fast runner you slip down at tiptoe,
You will be deprived of Qunghirod folk of sixteen tribes,
You are going to Qalmoq's land covering the road on foot,
For several days you are likely to see in Qalmoq land,
Some day you are sure to come to Boysun land,
In your own land you will enjoy life with pleasure.*

Ўзбек тилидаги аслиятда қофияланган қаторлар қуйидагича: а-а-а-а, б-б-б-б, в-в-в-в... Инглиз тилидаги таржимада эса а-б-в-г... каби бўлиб, бу ўринда мутаржим асосий эътиборини

сўзларнинг ўзбек аслиятидаги каби содда ва халқчил сўзлардан фойдаланишга қаратгани сабабли сатрлар қофияси дoston аслидаги каби муваффақиятли чиқмаган.

Синтактик эквивалентликни таҳлил қилишда метафора, анафора ва параллелизмларга ҳам эътибор қаратиш лозим. Бундай стилистик воситалар матнда ритм ва уйғунликни яратишга ёрдам беради, шунингдек, муаллиф этказмоқчи бўлган асосий ғоялар ва тасвирларни таъкидлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбек тилининг изохли луғати. Беш томлик.—Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2006. — Биринчи жилд. — 680 б.
2. Ашурова Д.У. Художественный текст в контексте национальной культуры // Linguistics-II . – Ташкент, 2011. – С. 15-17.
3. Бархударов Л.С. Очерки по морфологии современного английского языка. – М.: Изво литературы на ин. яз., 1975. – 156 с.
4. Балли Ш. Французская стилистика. – М.: Иностранная литература, 1961. – 394 с.
5. Бегматов Э.А. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 254 б.
6. Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадиий таржима. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 14.
7. Топер П.М. Перевод в системе сравнительного литературоведения. М., 2000 С. 176.
8. Jakobson R. On linguistic aspects of translation. In.: R. Brower (ed). On translation. New York. Oxford University Press, 1966. p. 234. 16 B.

Кушаков Ю.Х., Мухиддинов С. Проблемы интегрированной коммуникативной компетенции в свете решения требований CEFR при обучения иностранным языкам	697
Ergeshova Diloram Kadirxanovna Scientific speech style and its sub-styles.....	700
Ergeshova Diloram Kadirxanovna Vocabulary limitation in the language of science	702
Ф.А.Рафиев О структуре профессиональной компетенции выпускника педагогического вуза	705
Ф.А.Рафиев Психологические Факторы, Определяющие Успешность Учебной Деятельности Студентов Вуза	707
Ergeshova Diloram Kadirxanovna Syntactic Compression As One Of The Signs Of Syntactic Separation Of The Language Of Scientific And Technical Literature	710
A.T. Nurmanov, Nishonova Shokhsanam Bakhridin kizi About Modern Approaches In The Methods Of Teaching Russian As A Foreign Language	713
Мирахмедова З.Э. Эвфемизмы Английского Языка И Восприятие Англоязычной Культуры	719
Рахимова Фируза Шавкатовна Вопросы Лексико-Стилистических Компетенций Развития Речи В Обучении Русскому Языку	723
Акбарова Дилором Ахатовна Формирование Орфографических Компетенций На Занятиях Русского Языка	726
Abdullayeva Rukhsora, Turdibekov Kamol Asymmetric Modes In Transport Power Supply Systems	729
Artiqov Jasurbek Alisherovich Exploring Methodological Approaches In English Language Research	732
Artiqov Jasurbek Alisherovich Exploring Case Study Approaches In English Language Instruction	736
Kudratxodjayeva Nargis Akbarovna Transformational Translation Method	740
Qalandarova Dilfuza Yangiboyevna Expressions Of Similes In The Translation Of Literary Works	743
Samandarova Nigina Fayzulla qizi Improvement Of Load-Bearing Capacity Assessment Methods Of Intermediate Devices Of Reinforced Concrete Bridges Taking Into Account The State Of Stress-Deformation	745
Mahmudjonova Yulduzxon Avazjon qizi Application Of Substitution In Translation Of “Harry Potter” By J.K.Rawling	749
Rakhimov Bakhtiyor, Khaydarova Go‘zalkhon The Role Of Peer Feedback In Improving Writing Skills In English	752
Абдурахмонова Матлуба Бахадировна Роль и значение интеллектуальных игр на уроках русского языка	755
Алимханова Нигорахон Амилевна Шарқ мутафаккирларининг илмий-педагогик ижодини ўқитишни такомиллаштириш бўйича юртимизда амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг мавжуд ҳолати	759
Калниязов Есемурат Шамшетович Паремиологические Единицы Языка, Ценностные Ориентации И Правила Поведения	761
Дехконов Мирали Мирхон угли, Насуллаев Абдурахмон Хайрулло угли Система массового обслуживания на станции метро Алишер Навои	764
Ш.К.Асқарова Фольклор асарлар таржимасида адекватлик ва эквивалентлик тушунчалари.....	768
Курбанова Гулзода Юнусовна Алишер Навои - мост культурных горизонтов в мировом искусстве и культуре	772
Usmonova Zulxumor Nazarovna Types of transformation in translation	774
Yuldasheva Dilfuza Muidinzhanovna Names of medicinal plants - from history to the present	776

Alimova Ziyoda Aripovna Exploring depth and diversity: a comparative analysis of Emily Dickinson and Hamid Alimjan's poetry	778
Yuldasheva Dlfuzy Muidinzhanovna Phytonyms and language picture of the world	782
Yo'ldosheva Mamura Baxtiyarovna Addressing stylistic dilemmas in the translation process.....	785
Yo'ldosheva Mamura Baxtiyarovna Taxonomy of national cultural elements in artistic translation.....	790
Yo'ldosheva Mamura Baxtiyarovna Challenges of stylistic rendering in translation.....	795
Pardayeva Umida Norbayevna, Boboxodjayev Rashid Xashimovich The future of translation of railway terminology and it's effect on education process	800
Yo'ldosheva Mamura Baxtiyarovna Rendering linguistic expressions in translated texts	804
Yo'ldosheva Mamura Baxtiyarovna Categorization of cultural references in artistic translation.....	809
Eshpulatova Ugiloy Gofir qizi The Influence of Allegory and Metaphor on the Formation of Literary Realms	814
Eshpulatova Ugiloy Gofir qizi The Use of Allegory in George Orwell's "Animal Farm"	818
Eshpulatova Ugiloy Gofir qizi Metaphor and Symbolism in Emily Dickinson's Poetry	822